
ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАВСИЯСИ БИЛАН БЕШ НАФАР ЁШЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Куни кеча Президентимиз ташриф буюрган Бағдод туманидаги Хитой маҳалласида бугун катта шодиёна. Чунки бу ердаги 5 нафар ёшларнинг орзуси ушаладиган бўлди. Давлатой Қўрчиева Қўқон давлат педагогика институти, Ойгул Саминжонова Тошкент давлат молия институти, Омадбек Турғунбоев Тошкент давлат стоматология институтининг бакалавриат йўналишига, Ҳожиаҳрор Фиёсиддинов Фарғона давлат университети, Дилёрахон Турғунбоева Тошкент давлат педагогика университетининг магистратура босқичига ўқишга қабул қилинди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Иброҳим Абдурахмонов ва олий таълим муассасалари ректорлари мазкур маҳаллада бўлиб, давлатимиз раҳбарининг тавсияси асосида ёшларга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганлиги ҳақидаги сертификатларни топширди.

Президентимизнинг бундай эътибори бутун маҳалла аҳлини, ота-оналарни беҳад мамнун этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-07-29 11:14:20